

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

НАЗАРМАТОВ ОХУНЖОН СОТВОЛДИЕВИЧ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 338.24:61 (575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Назарматов Охунжон Сотволдиевич

Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш механизмини
такомиллаштириш 3

Назарматов Охунжон Сотволдиевич

Совершенствование механизма управления в сфере
здравоохранения 27

Nazarmatov Okhunjon Sotvoldievich

Improving the management mechanism in the healthcare sector 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

НАЗАРМАТОВ ОХУНЖОН СОТВОЛДИЕВИЧ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.1.PhD/Iqt851 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хонкелдиева Гўзал Шеровна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Йўлдошев Нуриддин Қурбонович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ибрагимов Азиз Юлдашевич
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган врач,
тиббийёт фанлари доктори

Етақчи ташкилот:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «___» _____ куни соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail:tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.д., профессор

Ш.Дж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, тараққиётнинг бугунги босқичида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун янги билимлар, ғоялар ва инновациялар белгиловчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Соғлом турмуш тарзи, соғлиқни сақлашдаги илғор тажрибалар мамлакатларда «инсон капитали»ни ривожлантириш ва қайта ишлаб чиқаришнинг муҳим омили сифатида қаралаётганлиги аҳоли, шу жумладан, унинг таркибидаги меҳнат ресурслари саломатлигини мунтазам яхшилаб боришнинг асосий воситасига айланмоқда. Бу эса ушбу мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимида инновацион фаолиятни ташкил этиш ҳамда бошқариш жараёнларига молиявий ресурслар оқимини кўпайтириш ҳамда инновацион фаолият учун зарурий шароитлар яратилишини талаб қилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «ялпи ички маҳсулотдан соғлиқни сақлашга умумий харажатлар ривожланган мамлакатларда ўртача 6,2 %ни, ривожланаётган мамлакатларда ўртача 2,3 %ни ва бошқа мамлакатларда ўртача 1,3 %ни ташкил этмоқда»¹. Бу эса, жаҳонда соғлиқни сақлаш соҳасида инновациялардан тобора кенгроқ ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилинаётганини англатади.

Жаҳон мамлакатларида аҳолининг саломатлигини сақлаш йўналишидаги фаолиятга жалб қилинган молиявий ресурсларнинг миқдори уларда инсон капиталига харажатларнинг даражаси ўзгаришини белгилайди. Ушбу маблағларнинг таркиби барча мамлакатларда давлат бюджети маблағлари, тиббиёт муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда жалб қилинган инвестициялардан ташкил топади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра дунё бўйича мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш учун йўналтирган маблағлари ҳажми ЯИМнинг 5,6-5,8 % атрофида ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини бозор муносабатлари асосига ўтказиш борасида олиб борилган таркибий ўзгаришлар натижасида мазмунан янги тизим шаклланди ва у тобора янгиланиб, сифат ўзгаришлари томон ривожланиб бормоқда. Соҳанинг ривожланиш хусусиятлари ва тиббий ислохотларнинг мақсадига боғлиқ ҳолда бугунги кунга қадар олиб борилган илмий тадқиқотларда соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ва бошқариш масалалари қисман ўрганилган бўлиб, бу борада комплекс ёндашувлар мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш»²

¹ Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Раҳмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т: IQTISODIYOT, 2019. – 203 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // www.lex.uz.

муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шу билан бирга соҳани ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берган 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини янгича асосларда ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ-2863-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3450-сон «Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш бўйича кўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида»ги, 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4007-сон «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур илмий-тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини такомиллаштириш борасида хорижий давлатларда бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, П.Друкер, Р.Нелсон, Й.Шумпетер, Б.Лундвал, С.Томсон, Р.Осборн, Р.Буссе, А.Райзберг, А.Хардинг, А.Прекер кабиларнинг илмий ишлари бу борада алоҳида аҳамият касб этади³. Ушбу олимларнинг тадқиқот ишларида инновацияларнинг моҳияти, инновацион жараёнларнинг юзага келиш шароитлари, соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион жараёнларни

³ Drucker P. Innovation and entrepreneurship: Practice and principles / P. Drucker. L.: Pan Books, 1986, p. 55.; Nelson R. National Innovation Systems: A Comparative Analysis. Oxford: Oxford University Press, 2003.; Шумпетер Й.А. История экономического анализа. / Й.А. Шумпетер; Пер. с англ. под ред. В.С.Автономова. СПб.: Экон. шк.: С. Петерб. гос. ун-т экономики и финансов; М. : Высш. шк. экономики, 2001. – 1664 с.; Lundvall, B.A. National Systems of Innovation: Towards a Theory of Innovation and Interactive Learning / B.A. Lundvall. London: Pinter Publishers, 2002; International Profiles of Health Care Systems, 2012. Australia, Canada, Denmark, England, France, Germany, Iceland, Italy, Japan, the Netherlands, New Zealand, Norway, Sweden, Switzerland, and the United States. Edited by S. Thomson, R. Osborn, D. Squires, M. Jun. The Commonwealth Fund, November 2012.; Busse R, Riesberg A. Health care systems in transition: Germany. Copenhagen, WHO Regional Office for Europe on behalf of the European Observatory on Health Systems and Policies, 2004.; Harding, A. and Preker, A.S. (2001) A conceptual framework for organizational reforms of hospitals. In Preker A.S. and Harding A., eds. Innovations in Health Services. Vol.1. The Corporatization of Public Hospitals. Baltimore, MD: Johns Hopkins University Press. 2001.

ташқил этиш ва бошқариш масалалари муайян даражада назарий ва услубий жиҳатдан ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион жараёнларни ташқил этиш ва бошқаришнинг назарий жиҳатлари Н.З.Мазур, В.В.Иванов, И.В.Милькина, Р.Ф.Фатхутдинов, С.В.Полянская, С.А.Филин, А.В.Тебекин каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилган⁴. Ушбу тадқиқотларда инновацияларнинг соғлиқни сақлаш соҳасида амал қилиш хусусиятлари, соҳада инновацион жараёнларни бошқариш механизмлари шаклланишини назарий жиҳатдан баҳолашга эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, жумладан соҳа фаолиятини молиялаштириш ҳамда инновацион жараёнларини бошқариш масалалари С.С.Ғуломов, Н.Х.Жумаев, Д.А.Рахмонов, М.М.Ташходжаев, Б.К.Ғайибназаров, Ш.Н.Зайнутдинов, Б.Маматқулов, Д.С.Қосимова, Ф.Эргашев, Д.Рахимова, А.Ў.Султонова, Г.Ш.Хонкелдиева каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган⁵.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион жараёнларнинг хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияси, шу билан бирга инновацион жараёнларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш масалаларини илмий жиҳатдан асослаш, соҳа фаолиятида ривожланган мамлакатларда ташкилий-бошқарув инновациялари сифатида фойдаланилаётган модел ва механизмлардан фойдаланиш масалалари бир қатор илмий тадқиқотларда ўрганилиб, муайян ёндашувлар асосида ечимлар топилган бўлса-да, аммо бевосита соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион фаолиятни самарали бошқариш механизмларини назарий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва соҳани ривожлантиришдаги аҳамиятини белгилаш ва ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади.

⁴ Мазур Н.З. Инновационная экономика: инновационные системы. Интеллектуальная собственность / Н.З. Мазур. – Самара: Издательство СНЦ РАН, 2001; Иванов В.В. Национальные инновационные системы: теория и практика формирования, монография / В.В. Иванов. – М.: СканРус, 2014. – 285с.; Милькина И.В. Теоретические основы формирования стратегии инновационного развития территорий / И. В. Милькина // Инновации. 2017. 87 с.; Фатхутдинов, Р.Ф. Инновационный менеджмент / Р.Ф. Фатхутдинов. – М., 2016.; Полянская С.В. Совершенствование управления инновационной деятельностью учреждений здравоохранения. Автореферат дисс. к.э.н. Саратов, 2012.; Филин С.А. Страхование инвестиционных рисков: Учебное пособие/С.А.Филин. – М.: Благовест-В, 2005. – 216 с.; Сюсюра Д.А. Программно-целевое управление социальным развитием села: Монография. – М.: Издательский дом «Финансы и Кредит», 2007. – с.160.; Тебекин А. В. Инновационное развитие экономики / А. В. Тебекин. – М.: Моск. гос. акад. делового администрирования, 2015.

⁵ Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т: IQTISODIYOT, 2019.; Ғайибназаров Б.К., Қутлиев О.А., Абдувалиева Ё.Р. Соғлиқни сақлаш миллий ҳисоблари (ССМХ) ни шакллантириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини тадқиқ қилиш. Монография. – Т: 2015.; Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. – Т.: Академия, 2006. – С.267; Зайнутдинов Ш.Н. Теория пять «И» или новая система факторов процветания государства. LAP LAMBERT Academic Publishing RU, 2018. – С. 49.; Маматқулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш: Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Тошкент, 2011 – 675 б.; Маматқулов Б., Қосимова Д. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти: Дарслик. – Т.: «Voriz-nashriyot». -2015. 240 б.; Ф.Эргашев, Д.Рахимова, А.Сагдуллаев, О.Парпиев. Инновацион менежмент. Дарслик. –Т.: Академия, 2005.; Султонова А.Ў. Соғлиқни сақлашни бозор муносабатлари орқали тартибга солишнинг халқаро амалиёти: и.ф.н. дисс. автореферати. – Т: ТДИУ, 2001 й.; Хонкелдиева Г.Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари. и.ф.д. (DSc) дисс. автореферати. – Т: ТДИУ, 2018 й.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва модернизациялаш шароитида корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишни тадқиқ этиш, бошқаришнинг самарадор услуб ва технологияларини яратиш ҳамда такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион фаолиятни самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

соғлиқни сақлаш соҳасининг шаклланиши ва соҳани ривожлантириш заруриятини назарий жиҳатдан ўрганиш ҳамда соҳада инновацияларни таснифлаш;

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий хизматлар кўрсатиш ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда соҳадаги ўзгаришлар тенденцияларини аниқлаш ва ривожланиш истиқболларини омилли боғланишлар асосида баҳолаш;

тиббиёт муассасаларида бошқариш жараёнига омиллар таъсирини баҳолаш орқали бошқарув йўналишларини ишлаб чиқиш;

соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини самарали бошқариш усулларини ҳамда соҳа фаолиятини молиялаштиришда мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш;

худудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг минтақавий «иختисослашган тиббий кластер» моделини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини асослаш;

«электрон соғлиқни сақлаш» тизимини ривожлантириш асосида соғлиқни сақлаш соҳаси ижтимоий самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизими муассасаларидаги бошқарув фаолияти ва тиббий янгиликлар билан боғлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети соғлиқни сақлаш соҳасида бошқарув фаолиятини ташкил этиш ва у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, таққослаш, эксперт баҳолаш усули, статистик таҳлил, тизимли таҳлил, ижтимоий сўровлар ўтказиш, SWOT – таҳлил, эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш доирасидаги битим объекти таркибига татбиқ этиладиган инновацияларни киритиш орқали такомиллаштирилган;

худудларда соғлиқни сақлашни ташкил этиш тизими бир-бирини тўлдирувчи ва кучайтирувчи ҳар хил даражадаги ва тор ихтисосликдаги тиббиёт ташкилотларини бошқарувнинг ягона тизимига интеграция қилишни назарда тутувчи «кластер» ёндашуви асосида такомиллаштирилган;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқарув органлари фаолиятини ахборот тизимлари билан интеграциялаш ва ахборот алмашиш орқали такомиллаштириш асосланган;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги трендларни эътиборга олган ҳолда соҳа ривожланишининг 2022 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш соҳаси муассасалари учун бошқарув сиёсатини шакллантириш ва бошқариш жараёнларининг таснифлаш мезонлари такомиллаштирилган;

соғлиқни сақлаш соҳасида узлуксиз тиббий таълимни ривожлантириш, етакчи мамлакатлар ва илмий марказлар билан халқаро ҳамкорлик, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантириш ва мақсадли идоралараро тиббиёт дастурларини яратишни ўз ичига олувчи соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришнинг бошқарув модели ишлаб чиқилган;

ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш моделларини ўрганиш асосида миллий соғлиқни сақлаш тизимини истиқболда молиялаштиришнинг самарали йўналишлари кўрсатиб берилган;

соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ҳамда мавжуд шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳаси асосий кўрсаткичларининг 2011-2021 йиллар давомида ўзгариш қонуниятлари аниқланган ҳамда соҳада инновациялардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

соғлиқни сақлаш соҳаси муассасаларида тиббий янгиликларни яратиш ва уларни тиббий хизматлар кўрсатиш жараёнига жорий этиш самарадорлигини оширишни таъминловчи мақсадли дастурлар модели ва тиббиёт муассасаси фаолиятини бошқариш модели ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда мажбурий тиббий суғурта тизимини ўз ичига олган соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизимининг ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилган ва ундан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган;

соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий янгиликларни яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминловчи минтақавий ихтисослашган тиббий янгиликлар марказини ташкил этиш модели ишлаб чиқилган;

ривожланган мамлакатлар илғор тажрибасини ўрганиш асосида мамлакатимизда «электрон соғлиқни сақлаш» тизимини жорий этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қўлланилган илмий-услубий ёндашувлар ва усулларнинг тадқиқот мақсади билан мослиги ҳамда

илмий асосланганлиги, таҳлил учун олинган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ижтимоий сўровномалар ва эксперт хулосаларининг кенг қамровдаги респондентлар ҳамда ваколатли мутахассислар доирасида ўтказилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, шунингдек олинган натижаларнинг амалиётда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, унинг натижаларидан соғлиқни сақлаш, илмий-тадқиқот, таълим ҳамда ихтисослашган тиббий муассасаларда янгиликларни яратиш ва фаолиятга жорий этиш жараёнларини бошқариш самарадорлигини ошириш ҳамда соҳани барқарор ривожлантириш жараёнларини бошқаришни режалаштириш ва моделлаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унинг назарий-илмий хулосалари ва услубий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг таркибидаги ихтисослашган тиббий марказлар, Ўзбекистон Республикаси инновацияларни ривожлантириш вазирлиги фаолиятида ҳамда ҳудудларни 2017-2021 йилларда ривожлантириш дастурлари мақсадли кўрсаткичларини шакллантириш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Соғлиқни сақлаш соҳасида бошқарув фаолияти механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

соғлиқни сақлаш муассасаларини инновациялар асосида бошқаришнинг мақсадли дастурлар механизмини такомиллаштириш бўйича берилган илмий янгилик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 5 февралдаги 8н-4/45-сон маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида тиббиёт муассасаларида инновацион сиёсатни аниқроқ шакллантириш ва фаолиятни бошқариш жараёнларини соддалаштириш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасининг турли даражаларида инновацион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, инновацион ривожланишни стратегик ва тактик режалаштириш сифатини натижасида соҳани бошқариш жараёни самарадорлиги 14 фоизга ортган;

соғлиқни сақлаш муассасаларини бошқаришнинг мақсадли дастурлар механизмини такомиллаштириш бўйича берилган илмий таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Фуқароларни соғлиғини сақлаш масалалари Қўмитаси фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Фуқароларни соғлиғини сақлаш масалалари Қўмитасининг 2019 йил 22 августдаги 05/3-06-102-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида минтақавий ихтисослаштирилган тиббий инновациялар маркази минтақалар даражасида соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион фаолият жараёнини самарали бошқариш ва яратилган инновацияларнинг соҳага «диффузиясини» тезлик билан амалга оширилишини таъминлаш орқали соҳада янгиликларни жорий этишнинг самарали механизми фаолият кўрсатиши

таъминланган. Минтақавий «ихтисослашган тиббий кластер» моделининг жорий этилиши натижасида яратилаётган тиббий инновацияларнинг самарадорлиги 2018 йилда 12 фоизга ортган;

худудларда соғлиқни сақлаш соҳасида фаолиятни бошқаришнинг минтақавий «ихтисослашган тиббий кластер» модели Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 5 февралдаги 8н-4/45-сон маълумотномаси). Ушбу маделни амалиётга жорий этилиши натижасида минтақавий ихтисослаштирилган тиббий инновациялар маркази минтақалар даражасида соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион фаолият жараёнини самарали бошқариш орқали соҳада янгиликларни жорий этишнинг самарали механизми фаолият кўрсатиши таъминланган;

«Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини жорий этиш орқали соҳанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича берилган илмий тавсия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Фуқароларни соғлиғини сақлаш масалалари Қўмитаси фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Фуқароларни соғлиғини сақлаш масалалари Қўмитасининг 2019 йил 22 августдаги 05/3-06-102-сон маълумотномаси). Таклиф этилган «электрон соғлиқни сақлаш» тизимининг амалиётда фойдаланишга жорий этилиши натижасида мавжуд тизим билан параллел ҳолда, самарали электрон тиббий хизматлар тизимини йўлга қўйиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, ундан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион фаолиятни бошқаришнинг назарий-услубий асослари» деб номланган биринчи бобда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасининг шаклланиши ва ривожлантириш зарурияти, инновацияларнинг моҳияти, таснифи ва соғлиқни сақлаш соҳасида бошқарув фаолиятининг хусусиятлари, соҳани бошқаришнинг замонавий хориж тажрибалари ёритиб берилган.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, жамиятни ривожлантиришнинг асосий йўналиши – унда мавжуд бўлган фуқаролар (аҳоли)нинг турли (сиёсий, маънавий, иқтисодий ва ижтимоий) эҳтиёжларини тўлароқ қондириш орқали «инсон ресурслари»ни ривожлантириш ҳисобланади. Бунинг учун эса жамият аъзоларининг ушбу эҳтиёжлари билан боғлиқ муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий асос яратилиши, яратилган ҳуқуқий асосга таянган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) муносабатларини йўлга қўйиш ҳамда жамиятда эркин ва соғлом ҳаракат қилиш учун фуқароларга зарур бўлган ижтимоий-маънавий муҳит яратилиши лозим.

Жаҳон мамлакатларида аҳолининг саломатлигини сақлаш йўналишидаги фаолиятга жалб қилинган молиявий ресурсларнинг миқдори уларда инсон капиталига харажатларнинг даражаси ўзгаришини белгилайди. Ушбу маблағларнинг таркиби барча мамлакатларда давлат бюджети маблағлари, тиббиёт муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда жалб қилинган инвестициялардан ташкил топади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, «дунё бўйича мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш учун йўналтирган маблағлари ҳажми ЯИМнинг тахминан 5,6-5,8 % ини ташкил этмоқда. Ушбу ташкилотнинг тавсиясига кўра ҳар бир мамлакатда соғлиқни сақлаш учун йўналтирилган маблағларнинг ҳажми ЯИМнинг 4% идан кам бўлмаслиги зарур»⁶.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида тизимли, бир-бирини тўлдирувчи босқичлар асосида ислохотлар олиб борилди. Амалга оширилган ислохотларни уларнинг хусусиятлари ва мазмунига кўра босқичларга ажратиш мумкин ва ушбу фаолиятга тараққиётнинг «ўзбек модели» хусусиятлари сингдирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз⁷.

Инновация жараёни соҳаларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб 6-8 босқични ўз ичига олади. Тиббиёт соҳасида тиббий янгиликлар 1-расмда кўрсатилган тартибда жорий этилади.


Жорий этишнинг маркетинг босқичида яратиладиган маҳсулот ёки хизмат бозори, инвесторлар ҳамда ички ва ташқи муҳитни ўрганиш асосида таҳлиллар амалга оширилади. Ташкиллаштириш босқичида мақсад ва вазифаларни аниқлаган ҳолда янги ғоялар генерацияланади ва яратилган ҳоялар техник иқтисодий асосланади.

Янгиликларни яратиш босқичида маҳсулот прототипи ишлаб чиқарилади, уни тажрибалардан ўтказилади ҳамда ижобий натижалар олинган тақдирда

⁶ Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Раҳмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т: IQTISODIYOT, 2019. – 205-206 б.

⁷ Маматқулов Б., Қосимова Д. Соғлиқни сақлаш менежменти: тиббиёт олий ўқув юртлири талаба магистрантлари учун дарслик. –Т.: 2014 й. – 27-60 б.

тегишли тартибда ҳужжатлаштирилади. Ушбу босқичнинг якуний натижаси шакллантирилган инновациялар пакетида ўз аксини топиб, янги маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқариш ёки жорий этиш жараёнига ўтади. Жорий этиш жараёни билан параллел равишда ҳамкорлар билан алоқалар негизида янги маҳсулот (хизмат) бўйича ахборот шакллантирилади ва реклама асосида инновацияларни олға суриш жараёни амалга оширилади. Ушбу босқичнинг асосий мақсади – рақобатчилар фаолият кўрсатаётган бозор сегментларини эгаллаш ҳамда бозорда ҳаракатланиш йўналишларини белгилашдан иборат.



1-расм. Соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион жараённинг таркиби⁸

Тиббий янгиликларни жорий этишнинг охириги босқичи бозорга киритилган янги инновацион маҳсулот (хизмат) бўйича тескари алоқага асосланган самарадорликни баҳолаш босқичи ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг инновацион модели тиббиёт фанининг бирлигини, узлуксиз тиббий таълим тизимини

⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

ривожлантиришни, етакчи мамлакатлар ва илмий марказлар билан халқаро ҳамкорликни, интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни, давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришни ва мақсадли идоралараро тиббиёт дастурларини яратишни ўз ичига олади.

Ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлашнинг қуйида кўрсатилган учта асосий модели кенг тарқалган бўлиб, улар турли хил молиялаштириш усуллари ва тиббий хизматларни ташкил этиш шаклларига асосланган.

1. Бюджет модели (Бевериж тизими). Ушбу модел тиббий ёрдамни молиялаштириш манбалари (солиқ тушумлари, тиббий суғурта бадаллари, хусусий фондлар), шунингдек уни ташкил этиш йўллари (марказлаштирилган ёки марказлаштирилмаган) ва тиббий хизмат кўрсатувчиларнинг (давлат, хусусий нотижорат) мулк шаклларининг фарқлари асосида шаклланади. Бюджет моделининг энг кўзга кўринган намунаси Буюк Британиянинг соғлиқни сақлаш тизими бўлиб, унда харажатлар фуқароларнинг солиқ даромадларидан қопланади. Соғлиқни сақлашнинг бюджет модели Греция, Дания, Ирландия, Испания, Исландия, Италия, Янги Зеландия, Норвегия, Португалия ва Швецияда ҳам қўлланилади.

2. Ижтимоий суғурта модели (Бисмарк тизими). Бюджет моделидан фарқли ўлароқ, ижтимоий суғурта модели солиқлар ҳисобидан эмас, балки иш берувчилар ва ишчиларнинг тиббий суғурта учун маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Бюджет модели билан бир қаторда Бисмарк модели ҳам деярли бутун аҳоли учун соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имконини беради. Ижтимоий суғурта модели Германия ва Францияда жуда ривожланган, лекин айни пайтда Голландия, Австрия, Белгия, Швейцария, Канада ва Япония каби бошқа мамлакатлар томонидан ҳам кенг қўлланилади.

3. Хусусий модел. Хусусий моделнинг ўзига хос хусусияти – ягона тиббий ёрдам ёки суғурталашнинг ягона тизими йўқлигидир. Тиббий ёрдам асосан пулли асосда, хусусий суғурта ҳисобидан ёки тиббий хизмат истеъмолчисининг чўнтагидан таъминланади ва бозор тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун асосий воситадир. Бу моделнинг энг машҳур намунаси – бутун аҳолини қамраб оладиган миллий соғлиқни сақлаш тизими йўқ бўлган Америка Қўшма Штатлари соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизими ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимини тартибга солиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш, шу жумладан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар натижалари Ўзбекистон учун тиббий хизмат сифатини таъминлашнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини беради.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати ва соҳада бошқарув самарадорлигини баҳолаш» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий хизматлар кўрсатиш ҳолати ва тенденциялар ўзгариши таҳлили, соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида инновацион фаолиятни бошқариш жараёнига омиллар таъсирини баҳолаш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида инновациялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш тизими ҳамда соҳадаги трендлар таҳлили ёритиб берилган.

Мамлакатда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган тиббий ислохотларнинг асосий мақсади аҳоли орасида тиббий-профилактика, даволаш-диагностика йўналишларини замонавий тиббиёт янгиликларига асосланган жиҳозлар билан таъминлаш, даволаш ва тиббий-профилактика жараёнлари учун зарурий тиббий препаратлар етказиб берувчи тизимни шакллантириш ҳамда айтиб ўтилган жараёнларни бевосита амалга оширувчи юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрловчи самарали тиббий таълим тизимини яратишдан иборат. Ривожланишнинг ўтган даври мобайнида миллий соғлиқни сақлаш тизими ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳамда миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўзига хос яхлит тизим сифатида шаклланди ва бугунги кунда ривожланиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасининг 2012-2019 йиллардаги асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари⁹

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2019 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариш (+,-)
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми (млрд. сўм)	2846,9	3560,9	4261,6	5076,9	5721,0	6076,8	6441,4	6617,3	3770,4
ЯИМ даги улуши (%)	2,7	2,8	2,7	2,7	2,6	2,3	2,4	2,4	-0,4
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари (%)	102,0	105,1	105,0	104,6	104,0	103,4	104,0	101,1	-0,9
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги тиббий муассаса ва ташкилотларда банд бўлган ходимлар сони (минг киши)	530,3	534,2	536,2	516,8	525,6	538,8	557,2	608,8	78,5
Хизматлар соҳасида яратилган ЯИМ (млрд. сўм)	42552,1	53650,2	65880,4	75356,8	92536	118811	150889	167486	124933,9
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари (%)	114,7	114,4	115,1	114,0	114,5	110,7	108,9	111,9	-2,8
Соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилган хизматлар (млрд. сўм)	498,8	671,9	869,9	1100,4	1416,3	1701,5	2220,0	2581,6	2082,8
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари (%)	138,8	130,9	116,3	117,2	122,2	116,9	113,4	116,3	-19,8
Соғлиқни сақлаш соҳасининг хизматлар соҳасидаги улуши (%)	1,2	1,2	1,3	1,5	1,5	1,4	1,5	1,6	0,4

Соҳанинг 2012-2019 йиллар давомидаги ривожланиш кўрсаткичлари соҳада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни сифат жиҳатидан баҳолаш имконини беради. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 2012 йилдаги 2846,9 млрд. сўмдан 2019 йилда 6617,3 млрд. сўмга ортган (ўсиш 3770,4 млрд. сўм) бўлсада, миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги иқтисодий ўсишнинг интенсивлик даражаси ортиши ҳисобига ушбу кўрсаткичнинг ЯИМдаги улуши 0,4% га камайган. Соҳанинг ривожланиши ҳисобига соғлиқни сақлаш

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

соҳасидаги тиббий муассаса ва ташкилотларда банд бўлган ходимлар сони 2012 йилдаги 530,3 минг кишидан 2019 йил охирига келиб 14,8% га ортган ва 608,8 минг кишига етган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий хизматлар кўрсатиш ҳолати ва мавжуд шарт-шароитларни ўрганиш асосида бугунги кунда соҳада юзага келаётган қуйидаги тенденциялар аниқланди:

1. 2016 йилгача бўлган даврда соҳанинг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларида пасайиш кузатилиб, 2017 йилдан бошланган тиббий ислохотларнинг янги босқичида кўрсаткичларнинг ўсиши кузатилмоқда.

2. Соғлиқни сақлаш харажатларининг давлат бюджети харажатларидаги улуши йиллар давомида барқарор ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, харажатлар таркибидаги иш ҳақи ва ажратмалар улуши бошқа харажатларни тиббиёт муассасаларининг бюджетдан ташқари даромадлари ҳисобидан молиялаштириш амалиёти йўлга қўйилиши ҳисобига умумий харажатлар таркибида асосий қисми ташкил этган.

3. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги даволаш профилактика муассаса-ларининг сони уларнинг қувватини ошириш ҳисобига қисқариб бориши кузатилади.

4. Мамлакатимизда ҳар 100000 нафар аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташҳис билан қайд қилинган касалликлар болалар касалликлари бўйича профилактика ҳамда касалликларни эрта аниқлаш йўналишидаги фаолият нисбатан яхши йўлга қўйилганлиги сабабли ёш гуруҳлари бўйича 14 ёшгача бўлган болаларда тўртдан бир мартага камайган.

5. Малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш йўналишидаги таълим муассасалари томонидан соҳага етарли даражада кадрлар етказиб бериш йўлга қўйилган бўлсада, олий маълумотли битта шифокорга тўғри келадиган аҳоли сони кўрсаткичи ортганлиги умумий амалиёт ҳамда тор йўналишларга ихтисослашган шифокорлар сонини оптимал нисбатга ўзгартиришни талаб қилади.

Бугунги кунгача олиб борилган тадқиқотларда соғлиқни сақлаш муассасалари ривожланишини белгиловчи омилларнинг тўлиқ таснифи ва тавсифи берилмаган. Мазкур тадқиқот ишида эса омил сифатида соғлиқни сақлаш муассасасининг ривожланиши табиати ва интенсивлигига таъсир қилувчи шарт, сабаб ёки параметрларни эътиборга олган ҳолда аниқланган омиллар белги ва хусусиятлари бўйича таснифланган.

Тадқиқот натижасида тизимлаштирилган тасниф тиббиёт муассасаларининг инновацион ривожланиши омилларини узоқ ва қисқа муддатли истиқболда инновацион бошқарувга таъсирини баҳолашга имкон беради, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасининг турли даражаларида инновацион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, инновацион ривожланишни стратегик ва тактик режалаштириш сифатини яхшилаш имконини беради.

Соғлиқни сақлаш соҳасида бошқарув жараёнларининг ривожланишига омиллар таъсирини баҳолаш мақсадида жараённинг кучли ва заиф томонлари, инновацион жараёнларнинг ривожланиши учун мавжуд имкониятлар ва хатарларни аниқлашга ёрдам берувчи SWOT таҳлил амалга оширилди.

Таҳлил матричасидаги бўлақларда жойлашган омилларнинг бир-бири билан кесишуви асосида SWOT таҳлили кесишув матричасини ҳосил қилган

ҳолда унинг устун қисмига инновацияларни ривожлантиришнинг кучли ва заиф томонларини, сатр қисмига эса мавжуд имкониятлар ва хатарларни жойлаштирилса, аниқланган омиллар бўйича кесишув матричасидаги омиллар баҳолари асосида омилий таҳлиллар моделларини тузиш ва омилларни баҳолаш имкониятига эга бўлинади.

Мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун мавжуд шарт-шароитлар таҳлили инновацион жараёнларни ривожлантириш учун мавжуд имкониятлар даражаси юзага келиши мумкин бўлган хатарлар даражасидан анча юқори эканлигини кўрсатади.

Бугунги шароитда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш омилларини баҳолаш мақсадида Фарғона ва Андижон вилоятидаги тиббиёт илмий-тадқиқот муассасалари (Андижон давлат тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон ва Фарғона филиаллари) беморлар, тиббиёт ходимлари ҳамда эксперт сифатида соғлиқни сақлаш ҳамда инновацион жараёнлар билан алоқадор илмий-тадқиқот муассасалари, тиббиёт муассасалари, давлатнинг соғлиқни сақлаш, инновациялар трансфери, молиялаштириш йўналишидаги ҳудудий мувофиқлаштирувчи ташкилотларнинг етакчи мутахассислари орасида сўровнома ўтказилди.

Тиббиёт муассасалари ходимларининг 81,3 %и (122 нафар) инновацион фаолиятни муассасанинг барча бўлинмаларида алоҳида ҳамда тиббиёт муассасаси даражасида яхлит ҳолда ташкил этилиши ва режалаштирилиши лозимлигини кўрсатиб ўтган. Респондентларнинг 36 %и (54 нафар) инновацияларни тиббий-илмий муассасаларнинг ташкилий-бошқарув жараёнларига, 32 %и (48 нафар) даволаш-диагностика жараёнларига, қолган 32 %и (48 нафар) инновацияларни ҳар икки жараёнга баравар жорий этилишини муҳим деб ҳисоблаган. Респондентларнинг 98 %и (147 нафар) соғлиқни сақлаш соҳасида алоҳида инновацион бошқарув тизимини шакллантириш лозим деб ҳисоблайди.

Экспертларнинг хулосалари асосида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра соғлиқни сақлаш соҳасига инновацияларни жорий этишнинг энг муҳим индикаторлари сифатида тиббий хизматлар юқори сифатининг таъминланганлиги, тиббий-демографик кўрсаткичларнинг даражаси, тиббиётда замонавий технологияларнинг ривожланиши, тиббий хизматлар истеъмолчиларининг хизматлардан қониқиш даражаси, тиббий персоналнинг ўз малакасини ошириб боришга ҳаракати, тиббиёт муассасаларига тиббий янгиликларни ривожлантириш мақсадида қўшимча молиявий ресурсларнинг жалб этилиш даражаси кўрсаткичларини белгилаш тавсия этилади.

Сўровнома ва эксперт баҳолаш натижаларига асосланган ҳолда келгусида мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасини инновацион ривожлантириш йўналишидаги фаолиятни қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади:

инновацион жараёнлар учун хизмат кўрсатувчи инфратузилма тизимларини ривожлантириш;

тиббий янгиликлар генерацияси ва инновацион жараёнларни бошқариш йўналишида малакали кадрларни тайёрлаш;

инновацион жараёнларни мувофиқлаштириш ва бошқариш тизими орқали инновацион муҳит элементларининг ўзаро алоқасини самарали таъминлаш;

тиббий янгиликларни молиялаштириш учун инвестициялар жалб қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминлаш мақсадида зарурий ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш.

